

## Ота-онанинг фарзанд олдидаги бурчлари (иккинчи мақола)



19:29 / 19.10.2019 3540

Ҳомиланинг жисмоний ва руҳий толиқишларсиз, яхши ривожланиб боришини таъминлаш.

Ҳомила ҳар тарафлама яхши ўсиб бориши учун унинг онасини жисмоний ва руҳий жиҳатдан толиқтириб қўймасликка шариатда катта эътибор берилган. Бу эътибор шу даражага етганки, ҳатто Аллоҳ фарз қилган ва Исломнинг рукнларидан бири бўлган рўзани ҳомиладор аёллар тутмасдан, кейин қазосини тутиб бериши жоизлиги шариатга киритилган. Чунки ҳомиладор аёл рўза тутса, унинг толиқиши орқали ҳомиласининг ҳам толиқиши бор. Шунинг учун ҳомилани толиқтирмаслик мақсадида унинг онасига рўза тутмасликка рухсат берилган.

هَلَلَانِ لِقَاقِ مَلَسُو هَلَلِ لِي لَصَدِّ هَلَلِ لِي لُؤْسَرَّ نَأْيِ بَعْدَ كَلِّ لِكُلِّ أَمْرٍ نَبَسَنَ أَعْنَ  
هُ أَوْرَ . مَوْصَلِ عَضْرُ مَلَأُو يَلْبُخْلِ لَعْنَ وِءَالِ صِلِ رُطَشَ وَا مَوْصَلِ رَفِ أَسْمَلِ لَعْنَ عَضَ وَا  
ءَسْمَخْلِ لِي

Анас ибн Молик Каъбийдан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:

«Албатта, Аллоҳ мусофирдан рўзани ва намознинг ярмини кечди.  
Ҳомиладор ва эмизиклидан рўзани».

Бешовлари ривоят қилганлар.

Маълумки, Исломда инсонни тоқатидан ташқари ишга таклиф қилиш йўқ.  
Жумладан, рўза масаласида ҳам. Шу маънода, Аллоҳ таоло ўта қариб  
қолганлари туфайли рўза тутса, қийналиб қоладиган чол ва кампирларга  
рўза тутмасликка рухсат берган.

Бу ҳадисда мусофирга ва ҳомиладор аёлларга, агар улар ҳомилалари  
соғлиғига зарар етишидан қўрқсалар, рўза тутмасдан, оғизларини очиб  
юришлари мумкинлиги ҳақида сўз кетмоқда.

Ҳанафий мазҳаби бўйича, мазкур тоифадаги аёллар рўзанинг қазосини  
тутадилар. Ҳомиладор аёллар вақтинчалик беморга ўхшайдилар. Ҳомилани  
туғиб, болани кўкракдан ажратгандан сўнг яна рўзани тутиш имконига эга  
бўладилар.

Ислом шариатида ҳомилага қарши қилинган жиноят тўла-тўқис инсонга  
қарши қилинган жиноят каби эътибор қилинган.

فِي مَلَسُو هَلَلِ لِي لَصَدِّ هَلَلِ لِي لُؤْسَرَّ نَأْيِ بَعْدَ كَلِّ لِكُلِّ أَمْرٍ نَبَسَنَ أَعْنَ  
يَضَقُّ يَتَلَّ أَرْمَلَانِ إِمْتِءَ مَأْ وَأِدْبَعِ رُغْبِ أَيْ مَطْقَسَ نَأْيِ حَلِّ يَنْبُ نَمْرَةَ أَرْمَلَانِ نِيَجَ  
أَثَارِي مَنَابِ مَلَسُو هَلَلِ لِي لَصَدِّ هَلَلِ لِي لُؤْسَرَّ يَضَقُّ ، تَيِّفُوتِ رُغْلَابِ أَيْ لَعْنَ  
يَذُمَّرَّتْ لَأُو نَأْحِيَّ شَلُّ هَاوْرَ . أَوْتَبَّ صَعَّ يَلَعَّ لِقَعْلَانِ إِي وَ ، أَوَجُّوْرَ أَيْ نَبَلِ

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Бану Лаҳёнлик бир аёлнинг  
тушиб қолган ҳомиласи учун бир қул ёки чўрининг баҳоси берилишига  
ҳукм қилдилар. Сўнгра ўша (қул ёки чўри)нинг баҳоси берилишига ҳукм  
қилинган аёл вафот этди. Бас, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам  
унинг мероси болаларига ва эрига бўлиши, дия эса унинг асабаси (эркак  
қариндошлари) зиммасига бўлиши ҳақида ҳукм чиқардилар».

Икки Шайх ва Термизий ривоят қилганлар.

أَمْ وَآهَاتَلَّتْ قَفْرَ حَبِيبِ خُالِ أُمِّهِ إِذْ حَبِيبٌ لَيْدٌ نَمْرَاتُ أَرْمَاتِ تَلَّتْ قَا: لَأَقُوهُ نَعَو  
عَيْدٌ نَأَى ضَقَفَ مَلَسُو هَلْ لَعَلَّ لَصْرَهُ لَلِ لَأُوسَرِ لِي أَوْ مَصَّتْ خَافَ، أَوْ نَطَبَ يَفِ  
نَمَّوْ أَدَلَّوْ أَدَثَّرَوَّوْ، أَوْتَلَّقَاعَ لَعَلَّ أَرْمَلِ يَدِبُ يَضَقُّوْ، أَدَيْلُوْ وَأُذْبَعُ عُرْغُوهُ نَبِجَ  
الْوَبَرَشِ أَلْ نَمُّمُ عَأْفَيْكَ، هَلْ لَلِ لَأُوسَرِ أَيُّ لَيْدٌ لَعَلَّ أَدَغَبَّ أَنْ لَأُ نَبُّ لَمَحَلَّ أَقَفَ، مُمَّعَمَ  
هَلْ لَعَلَّ لَصْرَهُ لَلِ لَأُوسَرِ لَأَقَفَ: لَطَيْلٌ لَدَلُّ لَثَمَفٌ لَعَلَّ تَسَا أَلْوَقَطْنِ أَلْوَلَّكَ أ  
سُمَّخَلَّ أَمُّهَ أَوْرَ عَجَسَ يَدُّ لَعَلَّ عَجَسَ لَجَّ أَمِنْ أُهُكَلَّ لَأَنْ أَوْخِ إِنْ مَأَدَهَ أَمَّنْ: مَلَسُوْ

Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Хузайллик икки аёл уришдилар. Улардан бири иккинчисини тош билан уриб, ўзини ҳам, қорнидаги боласини ҳам ўлдириб қўйди. Сўнг Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига хусуматлашиб келишди. Шунда у зот ҳомиланинг хуни бир эркак ёки аёл қул экани ва аёлнинг ўзининг хуни жинойтчи аёлнинг ота томонидаги эркак қариндошларига бўлиши ҳақида ҳукм қилдилар. Ўлган аёлнинг мероси боласига ва бошқа меросхўрларига бўлишини айтдилар.

Ҳамал ибн Нобиға ал-Ҳузалий:

«Ё Расулаллоҳ, қандай қилиб ичмаган-емаган, нутқ қилмаган ва овоз чиқармаган жонзотнинг хунини тўлайман? Бунга ўхшашларнинг қони тўкилаверади», – деди.

Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Албатта, манави коҳинларнинг биродарларидандир», – дедилар. Қофияли гапиргани учун».

Иккисини бешовлари ривоят қилганлар.

Шариатимизда ҳомилани олдириб ташлаш мутлақо мумкин эмаслиги ҳаммага маълум. Чунки ҳомилага тўла-тўкис инсондек қаралади. Бу иш, яъни ҳомилани олдириш жоҳилият давридаги қизларни тириклай кўмишга тенглаштирилади. Фақат истисно қилинган ҳолатлардагина ҳомилани олдиришга рухсат берилган.

(Тамом)

**«Бахтиёр оила» китобидан**